

ҚҮРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Рашидов Дилмурод Мамирович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети Магистратура тингловчиси, майор

Аннотация: Ушбу тезисда Қўриқлаш хизматини тарихий ривожланиши босқичлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари ва вазифалари борасида сўз боради.

Калит сўзлар: Қўриқлаш, Қўриқлаш бошқармаси, “Қўриқлаш” бирлашмаси.

Мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан, Миллий гвардия тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу юртдошларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Миллий гвардиянинг муҳим бўғини саналган Қўриқлаш бош бошқармаси ҳам ушбу ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишлардан четда қолгани йўқ.

Бимамизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 августдаги Фармонига қўра Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди. Хусусан, мазкур Фармон асосида амалга оширилган ислоҳотлар давомида 2019 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Миллий гвардия таркибига ўтказилди. Шунингдек, 2020 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ти Конун имзоланиб Миллий гвардиянинг фаолияти мустаҳкамланди. Ўтган қисқа давр мобайнида Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орасида муҳим бўғин бўлиб шаклланди ва муносиб ўринга эга бўлди.

Энди эса, қўриқлаш хизматини тарихий ривожланиш босқичларига назар солсак. 1952 йил 29 октябрда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Советининг “Саноатда, қурилишда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қоровулликдан бўшатилган ишчилардан фойдаланиш ва уларни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Бу эса хусусий қўриқлашни ташкил этишнинг бошланиши бўлди. 1959 йилга келиб қўриқлашнинг бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган икки тури – қоровуллик ва ҳарбийлаштирилган турлари юзага келди. Бунда ҳарбийлаштирилган бўлинмалар ўта муҳим объектларни қўриқлаш учун, қоровуллик бўлинмалари эса қолган объектлар ҳимояси учун ташкил этилар эди. Ўтган асрнинг 60-

йиллари бошида кўриқлаш бўлинмалари таркибида шаҳодатланган таркиб саф бўлинмаларини ташкил этиш амалиёти жорий этила бошлади. Ўзбекистонда илк бор шаҳодатланган таркиб қўриқлови Чирчик шаҳрида 1964 йилда ташкил этилди ва ўзининг ижобий натижасини берди. Қўриқлаш хизмати 1969 йилдан бошлаб катта ва масъулиятли вазифани – техник воситалар орқали фуқаролар хонадонларини қўриқлашни ўз зиммасига олган. Дастлаб марказлаштирилган қўриқлаш пульти қўриғига Тошкент шаҳрида жойлашган 50 та хонадон олинган. Техник қўриқлаш хизмати ўз фаолиятини Тошкент шаҳридаги 33-АТС негизида 200 рақамга мўлжалланган қўлбола пультдан бошлаган. 1970 йилда Ҳукумат томонидан қўриқлаш хизматида ўз маблағлари ҳисобига марказлаштирилган қўриқлаш пункти ва марказлаштирилган назорат пунктлари қуриш учун рухсат бергандан кейин, техник қўриқлаш тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиди. “Комета”, “Нева” русумли пультлар кенг миқёсда ишлатила бошлади. Қўриқлаш хизматининг милиция саф бўлинмалари илк бора 1964 йилда Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳрида ташкил этилган. 1991 йилдан саф бўлинмалари таркибиға маҳкама милицияси ва йўналиш милицияси лавозимлари киритилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Қўриқлаш хизматидаги илк ўзгаришлар 1991 йилнинг ноябр ойида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Республика “Қўриқлаш” бирлашмаси ташкил этилишидан бошланган эди. Бу нафақат қўриқлаш хизматининг таркибий тузилишига ислоҳлар киритди, балки ундаги сифат ўзгаришларининг ҳам дебочаси бўлди. Ўша даврларда хизмат томонидан ҳимояяга олинган иншоотларнинг 30 фоизини эркин ёлланган қоровул ва харбийлаштирилган соқчилик қўриғидаги объектлар ташкил этарди.

Бугунги кунда эса, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати фаолияти билан боғлик муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Конуни, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Конуни ва соҳага оид бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Конунида белгиланишича, Миллий гвардия қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февраль кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сонли Қарори ҳам тизимнинг янада такомиллашишига, хизмат қўрсатишнинг янги механизмларини амалиётга кенг тадбиқ этишга хизмат қиласи. Мазкур Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилди. Қўриқлаш бош бошқармасининг асосий вазифалари, ташкилий тузилмаси, унинг низоми,

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаларининг намунавий ташкилий тузилмаси, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси ҳамда Кўриқлаш бош бошқармаси ишчи ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим тариф разрядларининг рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, қарорга кўра, Кўриқлаш бош бошқармаси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланиб, ўз ваколатлари доирасида давлат обьектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа обьектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг молмулкини қўриқлаш бўйича вазифалар ва функцияларни кўрсатилаётган қўриқлаш хизматлари учун тушадиган маблағлар ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва мустақил хўжалик юритиш тамойили асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига асосан, Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мулкини, жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ижтиомий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган обьектларни ишончли қўриқлашни таъминлашда ягона тамойил ва ёндашувларни жорий этиш ҳисобга олинган ҳолда, қўриқлаш фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, қўриқлаш хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида қўриқланадиган обьектлар рўйхати белгилаб берилди. Муайян обьектни қўриқлашни ташкил этиш тизими (қўриқлаш тури, усули, пост-йўналишлар сони, қўриқлаш вақти, ички, кириб-чиқиши рухсатнома режими, видео-кузатув, сигнализация ва бошқа муҳандислик-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланиши) томонларнинг вакиллари иштироқида бевосита жойига чиқиб, мазкур обьектнинг техник воситалар билан жиҳозланганлиги, унинг фаолияти тури ва ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Объектларни улар тегишли бўлган ташкилотнинг идоравий мансуб қўриқлаш хизмати билан биргаликда ушбу ташкилот аҳамиятига қараб қўриқлашга рухсат этилади. Бунда кўрсатиб ўтилган обьектларда ўрнатилган техник қўриқлаш воситалари ва тизимлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг бўлинмалари томонидан назорат қилинади. Бу эса қўриқлаш тизимини такомиллаштиришда, қўриқлашнинг моддий техник базасини кенгайтиришга бўлган масъулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бўлинмаларида хизмат кўрсатишнинг энг тараққий этган, иқтисодий жиҳатдан қулай шакллари юзага келди ва ҳаётга тадбиқ этилди; янада тезкор, ҳаракатчан, обьект ва хонадонлар қўриғи, хавфсизлиги, мудофаасини таъминлаш борасида ўз олдига қўйилган тезкор вазифаларни тўлиқ бажара оладиган бўлинмалар шакллантирилди; фаолиятга илғор, замонавий

сигнализация ва техника воситалари жорий этилмоқда. Мұхими, қўриқлаш фаолиятининг ташкилий-хукукий асослари яратилди ва мунтазам равишида такомиллаштириб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори, 20.02.2021й. ПҚ-4997сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ти қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ти қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори.
5. Пресс-служба ЦООВОГВ МВД России, “История вневедомственной охраны” 2007.

Электрон манбалар:

1. <https://lex.uz>
2. <https://ngoxrana.uz>
3. <https://petrovka-38.com/>
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/23/milliy-gvardiya/>
5. <https://www.milliygvardiya.uz/uz/menu/istoricheskie-svedenija>